Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

www.ishonch-doverie.uz

2011-yil 16-iyul № 86 (2967) shanba

# Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

**Моҳият**

*Ўз ҳаётимизни Ватан истиқболи, фаровон келажаги учун бағишлаб яшаш инсоний ва фуқаролик бурчимиздир.*

Ислом КАРИМОВ

## Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси тўғрисида ахборот

***2011 йил 15 июл куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.***

Мажлисда «Демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев ҳисобот билан сўзга чиқди.

Мазкур мажлис «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларини рўёбга чиқариш доирасида ўтказилди. Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, Олий Мажлис палаталари мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботини эшитиш ҳуқуқига эга бўлди. Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг бўлиб ўтган қўшма мажлиси, унинг қатнашчилари таъкидлаганидек, кўрсатилган Қонун қоидаларини амалга оширишдаги дастлабки қадамдир. Бинобарин, мазкур Қонун марказий ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан парламент назоратини такомиллаштиришнинг, давлат ҳокимияти тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати механизмларини янада ривожлантиришнинг, мамлакатимизда кенг кўламли демократик социал-иқтисодий ислоҳотлар ўтказилишида парламент ролини оширишнинг муҳим омилига айланди.

*(Давоми 2-бетда)*



**Мустақилликнинг 20 йиллиги олдидан**

# Ватан тафти





**Қишлоққа бордим. Ҳовлимизга яқинлашишим билан димоғимни нозбўй ҳиди қитиқлади. Бу гулларни кайфиятни кўтарувчи, илҳомни жўштирувчи, юракни ёндиргувчи ифори учун яхши кўраман. Ҳидласам, вужудимда иштиёқ уйғонади, ҳаётга меҳрим ошади, олам ёрқин рангларда кўринади кўзимга.**

**— Гул экиш, парваришлаш учун кишининг кўнглида ҳавас бўлиши кераклиги бор гап, аммо бу камлик қилади, — дейди отам. — Бунинг учун имконият ҳам зарур. Турмуш ташвишини енга олган киши гул парвариш қила олади. Гуллар озодаликдан, саранжом-саришталикдан дарак беради. Уй соҳибининг яратувчанликка иштиёқи баландлигини, эзгуликка ошуфталигини англатади. Чиндан ҳам ҳовлисида гул ҳиди уфуриб турган хонадонга ташриф буюрсангиз, уй эгасининг зеҳни ўткир, улкан қалбли инсон эканлигига гувоҳ бўласиз. Оила қўрғони мустаҳкамлигини, меҳр устуворлигини кўрасиз.**

Гулларни сеҳргар десак, хато бўлмас. Ахир, баъзида бир дона гул билан йигит қизнинг қалбини эгаллайди. Шундай аёллар борки, улар ҳар қанча қимматбаҳо совғадан бир даста гулни устун қўйишади.

Юртимиз гулзорга айланмоқда. Қишлоғу шаҳардаги қай ҳовлига бош суқманг, турфа гулларга кўзингиз тушади. Нафақат ҳовлилар, балки йўлаклар, идора ва ташкилотлар бинолари атрофидаги бир-биридан хушрўй ва хушбўй гуллар нафақат гўзаллик тимсоли, балки юртимиздаги тинчлик, элдошларимиз қалбидаги хотиржамлик ифодачиси. Уларга қараб фақат яхшилик ҳақида ўй суриш мумкин. Тушкун кайфиятга даво ҳам ушбу гуллардир. Шундай экан, Ватанимизнинг тобора чаманга айланаётганидан қувонмай бўладими? Ватан ҳиди анқиб турган бу гулларни тўйиб-тўйиб ҳидламаслик мумкинми?

* * *

Дўстларимдан бирини йўқлаб бордим. Кузатиб қўяркан, қўлимга бир дона олма тутқазди.

— Буни кеча отам олиб келганди. Сен билан бўлишгим келди, — деди у.

Назаримда, бу қўлимга олган олмаларнинг энг чиройлиси эди. Ундан анқиб турган ҳидни айтмайсизми. Уйга олиб келиб, шкафимга қўйдим. Ейишга кўзим қийса қани. Ҳидлаб-ҳидлаб яна жойига қўяман. Ҳар сафар дилимни шодон туйғулар қоплайди.

Бу воқеага ўн йилдан ошган бўлса-да, кечагидек ёдимда. Ўша олманинг ҳиди ҳамон димоғимни қитиқлайди. Энг яхшисини яқинларимизга улашиш одати фақат бизнинг халқимизгагина хослигини ўйласам, фахрланиб кетаман. Тангри мени шундай олийҳиммат инсонлар қуршовида яратганига шукрона айтаман. Балки шунинг учун ҳам меваларнинг энг тотлиси бизнинг боғларда пишар?

Ҳозир айни пишиқчилик палласи. Ҳовлиларда бир-биридан тотли мевалар кўзингизни қувнатади. Қай хонадонга бош суқманг, қозонларда биқирлаб турган мураббо ҳиди димоғингизга урилади. Танишларимдан бири Ҳиндистонга борганида иссиқдан юраги безовта бўлганини, ўшанда ҳинд шериги қимматбаҳо ва ноёб дори дея ўрик қоқини тавсия қилганини айтиб берганди.

— Ахир биз ўрикларимизни еб адо қилолмаймиз-ку, — дейди танишим. Ўша воқеа сабаб у ўрикни қайта ишлайдиган кичик корхона ташкил қилди. Меҳмонга борсангиз, шарбату мураббо, туршагу ўрикли чой билан сийлайди.

*(Давоми 4-бетда)*

## Юксак эътибор ва ғамхўрлик ифодаси

***Мексикада ўн етти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтган футбол бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси кучли саккизликдан жой олиб, мустақиллигимизнинг 20 йиллигига муносиб туҳфа ҳозирлади.***

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 июлда қабул қилинган «Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоларини мукофотлаш тўғрисида»ги фармойишига биноан, футбол бўйича 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Мексикада ўтказилган 2011 йилги жаҳон чемпионатида муносиб иштирок этиб, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшгани, истиқлол даврида вояга етган баркамол авлодимизнинг энг ёрқин фазилатларини яққол намоён этгани учун терма жамоамиз аъзолари «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони билан мукофотланди.***



Шу муносабат билан пойтахтимизда жаҳон чемпионати иштирокчилари — футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоларини шарафлаш маросими бўлди.

Тадбирда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга хизмат қилаётгани, бундай юксак эътибор самарасида халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир истеъдодли спортчилар вояга етаётгани алоҳида таъкидланди.

Мексикада ўтган жаҳон чемпионатининг якуний босқичида Халқаро футбол уюшмалари федерацияси — ФИФАга аъзо икки юздан зиёд мамлакат ўртасидаги саралаш мусобақаларида ғолиб чиққан энг кучли 24 терма жамоа қатнашди. Ўзбекистонлик ўсмирлар футбол мундиалида илк маротаба тўп сурганига қарамай, чорак финалга чиқди ва жаҳоннинг энг кучли саккиз жамоаси қаторидан жой олди. Сўнгги йигирма йилда ўсмирлар футболида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари орасида фақат Ўзбекистон миллий терма жамоаси футболчилари жаҳон чемпионатининг чорак финалида иштирок этиш имконига эга бўлгани эришилган ушбу натижанинг аҳамияти нечоғлик улкан эканидан далолатдир.

Мусобақада ҳамюртларимиз жаҳон футболида катта ном қозонган АҚШ, Чехия ва Австралия каби нуфузли терма жамоаларни мағлубиятга учратгани миллий футболимиз изчил ва жадал равнақ топиб бораётганининг яна бир тасдиғи бўлди. Терма жамоамизнинг жаҳон чемпионатидаги



муносиб иштироки Ўзбекистонимизнинг дунё миқёсидаги обрўсини янада ошириб, юртимизда куч ва истеъдод бобида ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган авлод вояга етаётганини кўрсатди.

Юртбошимиз ташаббуси билан мустақилликнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда эркин демократик жамият қуриш йўлидаги кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир, ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган авлодни вояга етказиш юксак мақсад этиб белгиланди. Фарзандларимизнинг ўз ақл-заковати ва истеъдодини тўла намоён этиши, бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиши учун Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида катта куч ва имкониятлар сафарбар қилиниб, улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Навқирон авлоднинг комил шахс бўлиб вояга етишида, уларда кучли ирода, ғалабага интилиш, қийинчиликларни енгиш руҳини тарбиялашда, қалби ва онгига ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, ифтихор каби туйғуларни сингдиришда болалар спортининг ўрни беқиёс. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2002 йилнинг 24 октябрида қабул қилинган «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида» ва 2004 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, бир қатор қарорлари соҳа тараққиётида муҳим дастуриламал бўлаётир.

*(Давоми 2-бетда)*

Ishonch
2011-yil 16-iyul № 86 (2967)

# Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси тўғрисида ахборот

(Боши 1-бетда)

Мажлисда таъкидландики, Концепциянинг демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга доир қоидаларини бажариш юзасидан ҳукумат изчил иш олиб бормоқда. Хусусан, 2011 йилнинг биринчи ярим йиллигида «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги, «Рақобат тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатномалар бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ва Концепцияда олдинга қўйилган бошқарув тизимини демократлаштириш, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, монополияга қарши қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, банк-молия тизимининг инвестиция жараёнларида фаол иштирокини рағбатлантириш, эркин бозор иқтисодиёти йўлидан янада илгари бориш вазифаларини ҳал этишга қаратилган бошқа қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб, парламентга киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори билан тасдиқланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури, бошқа қонун ҳужжатлари қоидаларини амалга ошириш натижасида 2011 йилнинг фақатгина биринчи ярим йиллигида 22,8 мингдан ортиқ кичик бизнес корхонаси рўйхатга олинди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 331,2 мингта иш ўрни ташкил этилди. Кичик бизнес корхоналарининг саноат маҳсулоти ишлаб чиқариши ҳажми 20,4 фоизга, экспорт ва ўз маҳсулотини биржа савдолари орқали реализация қилиш ҳажмлари 1,5 баробар кўпайди.

2011 йилнинг биринчи ярим йиллигида тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини кредитлаш ҳажми 38 фоизга, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажми 1,5 баробарга ошди. Жорий йилнинг фақатгина иккинчи чорагида кичик бизнес субъектларининг давлат харидлари ҳажми 44,6 миллиард сўмни ёки улар электрон савдолар воситасида амалга оширадиган савдо-сотиқ умумий ҳажмининг 89 фоизини ташкил этди.

Шу билан бирга ошкора мулоқот ва амалий фикр алмашувлар вақтида сенаторлар ва депутатлар ҳукуматнинг, давлат бошқаруви органларининг бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, кичик бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш вазифаларини бажаришга қаратилган ишлари самарадорлигини янада ошириш юзасидан бир қатор фикр-мулоҳазалар ва таклифларни баён қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларни янада қисқартириш ва назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, улар фаолиятига ноқонуний аралашувларга йўл қўймаслик, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва олиб боришнинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, кичик бизнес субъектларининг давлат харид тизимида иштирок этиши ва юқори ликвидли маҳсулот олишини кенгайтириш борасидаги фармон ва қарорларини сўзсиз бажариш муҳимлиги таъкидланди.

Мамлакатда иқтисодиёт барқарор ўсишини таъминлашнинг муҳим омили сифатида аҳолининг истеъмол эҳтиёжини ошириш, кичик бизнесни, хусусий тадбиркорликни аҳоли даромадларини, турмуш даражасини оширишнинг асосий манбаига айлантириш, шунингдек, Инқирозга қарши чоралар дастурида назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш, жойларда социал-иқтисодий ривожланишнинг давлат дастурларини бажариш бўйича фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини чуқурлаштириш борасидаги тизимли ишларни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг прогноз параметрларини сўзсиз бажариш, касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари ўзлари эгаллаган мутахассисликлар бўйича ишга жойлашиши масалаларини ҳал этиш борасида ҳукумат томонидан олиб борилаётган ишларни кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти самарадорлигини ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш, социал-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг муҳим шарти сифатида марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви органлари фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш борасида парламент ролини ошириш зарурлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

Ҳукумат ҳисоботини эшитишда тадбиркорлар, олимлар, экспертлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг иштирок этиши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида очиқлик, шаффофлик ва ошкораликни таъминлашда, қабул қилинаётган қарорлар сифати учун уларнинг масъулиятини оширишда навбатдаги муҳим қадам сифатида қайд этилди.

Ҳукумат ҳисоботининг муҳокамаси якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма қарори қабул қилинди. Қарорда демократик бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш соҳасидаги вазифаларни, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури қоидаларини сўзсиз бажаришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи белгиланди.

**ЎзА.**

# Юксак эътибор ва ғамхўрлик ифодаси

(Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда кашф қилинган жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш ва оммалаштиришнинг «ўзбек модели» — уч босқичли узлуксиз спорт тизими ҳам ўзининг юксак самараларини бермоқда. Мактаб болаларининг «Умид ниҳоллари», касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчиларининг «Баркамол авлод» ҳамда олий ўқув юртлари талабаларининг Универсиада спорт мусобақаларидан иборат мазкур тизим бошланғич синф ўқувчиларидан то олий ўқув юрти битирувчиларигача бўлган қатламни бирлаштиради. Ушбу мусобақалар ёш авлодни жисмоний тарбия, спорт ва соғлом турмуш тарзига кенг жалб қилиш, пировардида, миллат саломатлигини яхшилаш, халқаро майдонларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчиларнинг янги авлодини тарбиялашга хизмат қилаётир.



Мексика яшил майдонларида муносиб тўп суриб, чиройли ўйини, мустаҳкам иродаси, ишончли ғалабалари билан дунё бўйлаб минглаб мухлису мутахассислар эътиборини қозонган ёш футболчиларимиз ҳам ана шундай юксак эътибор ва ғамхўрлик асосида камол топган баркамол авлод вакилларидир.

...Пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шуҳрати» музейида ўтган шарафлаш маросимида футбол бўйича Мексикада ўтказилган жаҳон чемпионатида иштирок этган мамлакатимиз терма жамоаси аъзоларига «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони тантанали равишда топширилди. Юртбошимиз фармойишига биноан футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Алексей Евстафеев, катта мураббийи Аҳмаджон Мусаев «Lacetti», бир гуруҳ футболчилар «Spark» автомашиналари билан мукофотланди.

— Шогирдларим Мексикада ўтган жаҳон чемпионатида юртимизда ўзбек футболининг ёрқин келажагини таъминлашга қодир истеъдодли спортчилар вояга етаётганини намойиш эта олганидан мамнунман, — дейди Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Алексей Евстафеев. — Бу — Президентимиз Ислом Каримов томонидан мамлакатимизда спортни, жумладан, футболни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор самарасидир. Биз, спортчилар кўрсатаётган доимий ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбаридан миннатдормиз.

— Нуфузли халқаро мусобақаларда Ватан шарафини ҳимоя қилиш ҳар бир спортчи учун катта бахт ва менга ҳам шундай толе насиб этганидан жуда хурсандман, — дейди футбол бўйича Ўзбекистон



ўсмирлар терма жамоаси сардори Аббосбек Махсталиев. — Камтарона меҳнатларимизни Ватанимизнинг юксак мукофоти ва автомобиль билан тақдирлаган Юртбошимиздан миннатдормиз. Бундай эътибор ва ғамхўрлик бизни келгуси мусобақаларда ҳам Ватанимиз байроғини янада сарбаланд этишга рағбатлантиради.

Маросимда сўзга чиққанлар мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган доимий эътибори учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этиб, бундай ғамхўрликка жавобан келгуси мусобақаларда Ватанимиз байроғини янада юқори кўтаришини таъкидладилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Арипов иштирок этди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**
**Муҳаммад АМИН**
**(ЎзА) олган суратлар**

## Бандлик дастури амалда

# Фаровон турмушни таъминлаш бош вазифамиздир

***Меҳнат бозоридаги вазиятни холисона баҳолаш, бандлик билан боғлиқ муаммоларни имкон даражасида юмшатиш, аҳолини иш билан таъминлаш юзасидан таъсирчан чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ижро этиб келинмоқда. Сурхондарё вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи Эркин Менглиев бу ҳақда шундай дейди:***

— Ўтган йили Сурхон воҳасидаги 4156 та хонадонда бандлик масаласида ўтказилган мониторинг натижалар ёмон эмаслигини кўрсатди. Яъни, вилоятда меҳнат ресурслари сони 1168,5 минг нафар бўлиб, уларнинг 832,7 минг нафари иқтисодий фаол, 335,8 минг нафари иқтисодий фаол бўлмаган аҳолини ташкил этди. Иқтисодий фаол аҳолининг 7844 минг нафари тўлиқ иш билан таъминланди.

Бундан ташқари, 41807 нафар фуқаро иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатга олиниб, уларнинг 37859 нафари иқтисодиётнинг турли соҳаларига ишга жойлаштирилди. Аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш дастурига асосан вилоят ҳудудида мулкчилик шаклидан қатъи назар барча манбалар ҳисобидан йил давомида 63839 та янги иш ўринлари яратилди. Бунинг 90 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, янги объектларни ишга тушириш, мавжуд корхоналарни қайта қуриш, кенгайтириш ҳисобига 3211 та, кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил этиш эвазига 27,8 мингдан ортиқ, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш натижасида 11,5 мингта иш ўринлари ташкил қилиниб, бу борада дастурда кўзда тутилган режалар ортиғи билан бажарилди.

Кейинги пайтларда касаначиликка алоҳида эътибор қаратяпмиз. Бунда уй меҳнатининг барча шакллари, жумладан, меҳнат шартномаси асосида ишлаш, миллий ҳунармандчиликни йўлга қўйиш, томорқалардан унумли фойдаланиш, хонадонларда чорвачиликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этаяпти. 2010 йилда касаначиликни йўлга қўйиш ҳисобига, 7,5 мингта янги иш ўрни ташкил этилди.

Барча жойларда бўлгани каби вилоятимизда ҳам фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уни янада ривожлантириш янги иш ўринларини яратишда кенг имкониятлар эшигини очди. Чунки, кўпчилик фермер хўжаликлари пахта ва ғалла етиштириш билан бир вақтда паррандачилик, асаларичилик, балиқчиликни ривожлантириш, иссиқхоналар ташкил этиш билан ҳам шуғулланмоқда. Шу тариқа фермер хўжаликлари базасида 9,9 мингта янги иш ўрни яратилди.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ҳукумат қарорларига асосан ўтган давр мобайнида 1,9 минг нафар фуқаронинг аввалдан мавжуд бўлган меҳнат дафтарчаларига иш фаолиятининг бошланиши ҳақида ёзув киритилди. 2,5 минг нафар фуқарога янги меҳнат дафтарчалари очилди. Ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларга қорамол сотиб олиш учун тижорат банкларининг кредит линиялари орқали иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 75 та оилага 82,2 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратиб берилди. Уларнинг ярмидан кўпроғини ёш оилалар ташкил этади.

Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 120 нафар бизнес субъекти ва кам таъминланган оилаларга тижорат банклари орқали 578,2 млн. сўмлик кредит маблағи ўтказиб берилди. Натижада 274 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Бошқарма ва унинг жойлардаги марказлари Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўрнларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги талабларини бажариш мақсадида 7400 та иш ўрни ажратиб, йил давомида 7,3 минг нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож шахс ишга жойлаштирилди. Уларнинг ярми ёлғиз яшаётган ва кўп болали ота-оналар, 3,5 минг нафари эса таълим муассасаларини тамомлаган ёшлардир.

Иш ўринлари барпо этишнинг ҳаётда синалган ва яхши самара бераётган усулларидан кенг фойдаланилаётганлиги, айниқса, диққатга сазовордир. Шу мақсадда вилоятимиз шаҳар ва туманларида 138 марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Уларда 7 мингдан зиёд корхона ва ташкилот ўзларининг 28,9 мингта бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Мазкур ярмаркаларда 17,1 минг нафар фуқаро қатнашиб, 11 минг нафарига доимий ишлаш учун йўлланма берилди. Уларнинг қарийб 3,2 минг нафари касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ёшлардир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ҳам аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш асосида халқ фаровонлигини ошириш юзасидан ишлар изчил давом эттирилмоқда. Жорий йилнинг 1-чорагида 8,4 минг нафар фуқаро иқтисодиётнинг турли тармоқларида ишга жойлаштирилди. Якка тартибдаги ва оилавий тадбиркорликни, ҳунармандчилик фаолиятини кенгайтириш, кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш, касаначиликни йўлга қўйиш асосида жойларда кўплаб янги иш жойлари барпо этилмоқда. Мақсадимиз фуқароларга фаровон турмушини таъминлашларини йўлга қўйишда кўмаклашишдир.

**«Ishonch» мухбири**
**Рустам ДАВЛАТОВ**
**ёзиб олди**

## Соғломлаштириш

***Табиатнинг энг сўлим гўшаси Ургут тоғлари қатор оромгоҳларга ошён. Болта Набиев номли оромгоҳ шундай масканлардан бири. Бу ерда бир йўла 200 нафар болажон ҳордиқ чиқаради. Тасарруфдаги барча бино ва очиқ майдонлар, сузиш ҳавзаси, стадион ва ёзги кинотеатр таъмирдан чиқарилган. Оромгоҳ маъмурияти ҳар бир кунни мазмунли ўтказиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, белгиланган режа асосида амалга ошириб келмоқда.***

# Яйраб-қувнаб

Таълим ва фан ходимлари Ургут туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Исмат Набиевнинг эътироф этишича, етти гектар майдонга эрта кўкламданоқ турли хил сабзавот ва кўкатлар экилган. Айни чоғда картошка, сабзи ва сабзавотлар ана шу омилкорлик маҳсули бўлаяпти.

Ҳудуддаги мевали дарахтлар ҳосили ҳам асқотмоқда. Оромгоҳ ахборот-ресурс маркази замонавий асбоб-анжомлар ва янги нашрдан чиққан бадиий адабиётлар билан таъминланган. «Моҳир қўллар», «Соғломжон — полвонжон», мусиқа тўгараклари фаолияти йўлга қўйилган. Турли маданий-маърифий, спорт тадбирлари, кўрик-танловлар, мушоира ва баҳслар ўтказиб келинаётир.

**Саид ТОҒАЕВ,**
**Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудири**

# Мафтункор гўша

**Мусиқа ихлосмандлари орасида Алижон, Абдураззоқ, Аслиддин ва Воҳиджон Исоқовларнинг дилбар қўшиқларини севиб тинглайдиганлар кўп.**

Бугунги мақоламиз Муборак газни қайта ишлаш заводига қарашли «Ниҳол» болалар оромгоҳи ҳақида. «Ниҳол»га Исоқовларнинг нима дахли бор, деган савол хаёлингизга келган бўлиши табиий.

Гап шундаки, оромгоҳда 1998 йилдан буён узоқни кўра биладиган ишбилармон раҳбар, истеъдодли хонанда Абдураззоқ Исоқов директор вазифасида ишлаб келмоқда. Шу боисдан, «Ниҳол» Абдураззоқ ака ҳаётининг ажралмас бўлагига айланиб қолган.

Оромгоҳда жорий йилнинг биринчи навбатида 350 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилди.

— Бош етакчи Маҳлиё Маҳмудова бошчилигидаги педагоглар жамоаси фарзандларимиз бўш вақтини мазмунли ўтказишга ҳаракат қилишмоқда, — деди биз билан суҳбатда Абдураззоқ Исоқов. — Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган спорт тадбирлари, истиқлолимиз истиқболлари ва ютуқларини ўзида мусажжам этган маънавий-маърифий суҳбатлар, турли интеллектуал кўрик-танловлар ташкил этилмоқда. «Ўйнаб куйлаб, дилдан қувнаб», «Балли, йигитлар», «Оромгоҳ маликаси», «Балли, тарбиячи» танловлари ғолиблари эсдалик совғалар билан рағбатлантирилмоқда.

Табиийки, Муборак газни қайта ишлаш заводи қошидаги «Ниҳол» мусиқий дастаси тадбирларга файз киритяпти.



Айни пайтда 140 ўринли иккита иншоотда таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда. Таъмирлаш ишлари якунланса, «Ниҳол»нинг имкониятлари янада кенгаяди. Оромгоҳ Турна дарёси соҳилида, кўплаб мевали ва манзарали дарахтлар қўйнида жойлашгани учун табиати жуда хушманзара. Шу боис, воҳанинг чўл ҳудуди ҳисобланмиш Муборак туманида меҳнат қилаётган газчилар ва уларнинг фарзандлари бу ерда мириқиб ҳордиқ чиқаришади.

Янги таъмирланаётган мажмуаларга иситиш тизими ўрнатиб, қишки мавсумда ҳам меҳнаткашларни соғломлаштириш кўзда тутилган. Биз у ерда дам олаётган болажонлар билан суҳбатда бўлдик:

**Марҳабо Саъдуллаева:** — Дадам Муборак газни қайта ишлаш заводида ишлайди. Шу боис, ҳар йили «Ниҳол»да дам оламиз. Менга оромгоҳдаги тадбирлар жуда ёқади. Тўгараклари ҳам кўп. Ўзим бичиш-тикиш тўгарагига қатнашаяпман.

**Камола Бекниёзова:** — Муборак тумани Хитой қишлоғиданман. «Ниҳол» дастаси аъзолари оромгоҳда бўладиган мусиқий тадбирларда иштирок этибгина қолмай, бизга ҳар хил чолғу асбобларини чалишни, қўшиқ айтишни ҳам ўргатишади...

«Ниҳол» йилдан-йилга чирой очиб, хориждаги дам олиш масканларидан қолишмайдиган, таърифида ёрқинлик акс этадиган мафтункор сўлим гўшага айланмоқда.

**Дилшод ҲАМИДОВ**

***«Ўзимиз ўқитдикми, иш билан ҳам таъминлаймиз!» Ана шу шиор туфайли Жиззах политехника институти битирувчилари хўжалик юритувчи субъектлар кўмагида тўлиқ ишли бўлишди. Бундан ўттиз уч йил муқаддам Тошкент политехника институтининг филиали сифатида ташкил топган мазкур олийгоҳ мустақиллик йиллари ҳар томонлама юксалиш ва камолотга эришиш даври бўлди. Ҳозир тўрт факултетда 2545 нафар талаба 250 дан зиёд профессор-ўқитувчидан сабоқ олмоқда.***

# Самарали ҳамкорлик

Корхона, ташкилот ва муассасалар иш берувчилари билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари натижасида ҳар бир битирувчининг иш жойи олдиндан белгиланиб, талабанинг амалиётни бўлғуси иш жойида ўташини ташкил этиш яхши самара бераётир.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида қайд этилганидек, таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш олий таълимнинг устувор вазифаларидан биридир. Мазкур дастурни амалга оширишнинг учинчи босқичида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантиришда институт қошида ташкил этилган «Политехника» клубининг фаолияти таҳсинга лойиқ. Илм масканини турли йилларда битирган, ҳозирда ишлаб чиқаришнинг қайноқ жабҳаларида фаолият юритаётган собиқ талабалар билан яқин алоқа ўрнатиш, йигит-қизларнинг ўз касб-корларига бўлган меҳрини янада оширмоқда.

(Давоми 4-бетда)

# Раддия бериш рад этилади

**Ушбу мақола мухбирни ҳимоя қилиш учун эмас, балки касаба уюшма аъзолари ва газетхон дўстларимизнинг ҳуқуқий билим доирасини кенгайтириш мақсадида ёзилди.**

**Доғ тушмагунча доғ эмас**
**(Халқ мақоли)**

Қашқадарё вилоят назорат-тафтиш бошқармасининг назорат-тафтишчиси Р. Хасанов таҳририятга «Раддия» йўллаб, «Ishonch» газетасининг 2011 йил 24 май сонидаги «Тоифани ким беради?» мақоласини «ҳақиқатга тўғри келмайдиган, шаъним ва қадр-қимматимга доғ туширадиган ҳолат деб ҳисоблайман» дейди.

Унинг «раддия»сидан беш эътирозини ўзгартишсиз келтириб, мулоҳаза юритамиз.

*«Биринчидан, — деб ёзади у, — мен мактабнинг молия хўжалик фаолиятини Қашқадарё вилоят назорат-тафтиш бошқармаси бошлиғининг 2010 йил 23 ноябрдаги буйруғига асосан берилган №10-18-592 рақамли гувоҳномага асосан тафтиш қилганман».*

Мақолада тафтишчи ўзбошимчалик билан тафтиш ўтказган дейилаётгани йўқ, сизнинг ваколатингизга шубҳа билдирилмаяпти.

*«Иккинчидан, тафтиш жараёнида мактаб маъмурияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24-июндаги 293-сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори бўйича айрим ўқитувчиларга аттестациядан ўтмаганлиги ҳақидаги ҳужжатлар ва энг муҳими, Давлат тест марказининг тоифа берилганлиги ҳақидаги қарорлари уларга сертификати мавжуд бўлмагани ҳолда юқори тоифа тарифи бўйича тарификация қўшиб тузиб иш ҳақи ошиқча тўланиб келинган.*

*Шунинг натижасида давлат бюджетига 2008 йил 1- декабргача 11 миллион 917.3 минг сўм зарар келтирган»...*

«Аттестациядан ўтмаганлиги ҳақидаги... сертификат мавжуд бўлмагани»ни ҳеч англай олмадик. «Тоифа берилганлиги ҳақидаги қарорлари»ни тушуниш мумкин.

Тафтишчи бизга тақдим қилган «Раҳбар ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисида Низом»нинг 49-моддасига кўра, халқ таълими бошқарув органи, таълим муассасаси раҳбари аттестация комиссияси қарори асосида бир ой муҳлатда педагогга тегишли малака тоифасини бериш тўғрисида буйруқ чиқаради. Малака тоифаси аттестация комиссияси қарор қабул қилган кундан ҳисобланади. Демак, кадрнинг шахсий ҳужжатида аттестация варағининг мавжудлиги унинг қандай тоифа олганлигини исботлайди. Сертификатни тақдим эта олмаганлик бошқа масала. Бу ходимлар аттестациядан ўтишмаган, дегани эмас.

*«Учинчидан, муаллиф ўз мақоласида тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгашининг хулосасига таянгани эътироф этилган. Холбуки, касаба уюшмаси хулосасида мактаб маъмуриятининг молиявий қоидабузарлигига эмас, балки ўқитувчиларнинг ноқонуний олган қўшимча иш ҳақи учун юридик жиҳатдан ўқитувчи эмас, балки сохта ҳужжат тайёрлаган ва мактаб ўқитувчиларининг иши ҳақида тузиладиган тарификацияларга қўшиб тасдиқлаган маъмурият айбдор. Лекин бу тафтиш натижасини ва давлат бюджетига келтирилган зарарни қоплаш зaруриятини йўққа чиқармайди. Аксинча бюджетга келтирилган зарар алоқадор шахслардан ундирилиб бюджетга тикланиши шарт».*

Мабодо бюджетга зарар келтирилган бўлса, ундирилиши шарт. Бунга шубҳа йўқ. Лекин «...мактаб маъмуриятининг молиявий қоидабузарлигига эмас... маъмурият айбдор» деган жумлаларни қандай тушуниш мумкин? Сохта ҳужжат тайёрлаган ким, у нимада ифодаланади? Мактаб маъмурияти мансаб сохтакорлигида айбланаяпти. Бунинг учун далиллар борми?

Ким кимнинг шаънига путур етказаяпти ўзи?

*«Тўртинчидан, муаллиф мени зудлик билан ўқитувчиларнинг тоифасини туширишни талаб қилишда айблаяпти. Тоифа бериш ёки бермаслик менинг вазифамга кирмайди. Лекин, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15-ноябр кунги 393- сонли қарорига асосан хизмат лавозими давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг қонуний сарфланишини назорат қилишни тақозо этади ва мактабнинг молия хўжалик фаолиятини тафтиш қилганда шу Қарор ва Низом талабларига амал қилиб тафтиш давомида аниқланган хато ва камчиликларни тасдиқловчи ҳужжатлар қонуний равишда расмийлаштирилиб аниқланган камомад ва ўзлаштириш ва ошиқча тўловларни қонуний йўл билан ундириш учун тегишли қонунни муҳофаза қилувчи идораларга тафтиш материаллари тақдим этилган.»*

Бундан чиқди, мактабда ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, бюджет интизомини бузиш содир бўлган экан-да!

Хўш, бу ҳақда ҳуқуқ-тартибот идоралари нима дейди? Мана уларнинг хулосаси:

***«Қарши туман прокуратураси томонидан Қарши Давлат 10-сонли ихтисослаштирилган умумтаълим мактабининг директори Н.Тошев ва бошқаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167моддаси 3-қисми «а» банди ҳамда 184[1]-моддаси 3-қисми билан қўзғатилган жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилган.***

***... дастлабки тергов натижаларига кўра Қарши Давлат 10-сонли ихтисослаштирилган мактаб раҳбарияти томонидан 2008-2010 йилларда мактаб ўқитувчиларига тоифалари бўйича 18-20 фоизли устама ҳақ тўланиши бўйича бирор-бир кишининг ҳаракатида жиноят аломатлари аниқланмаганлиги сабабли жиноят ишининг ушбу қисми 2011 йил 07 майда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 2-банди билан ҳаракатдан тугатилган».***

Демак қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги учун мактаб маъмурияти айбсиз деб топилган. Шу ўринда мақолага сўнгги нуқтани қўйса ҳам бўларди. Аммо...

Келинг, очиқроқ гаплашайлик. Юқорида Р.Ҳасанов даъвосининг 4-бандида келтириб ўтилган қарор «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахта тозалаш саноати корхоналарида ҳисоб-ҳисобот тизимини такомиллаштириш устидан назоратни кучайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 13 ноябрдаги ПФ-3161-сон Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида». Номидан кўриниб турибдики, ушбу қарор мактабга бевосита алоқадор эмас. Аммо ушбу қарор билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий назорат-тафтиш бошқармалари тўғрисидаги Низомда тафтишчининг вазифаси белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра бошқармалар республика бюджети ва маҳаллий бюджетни қатъий бажарилиши устидан доимий назоратни таъминлаши лозим. Шундай экан тафтишчининг «Қарор ва Низом талабларини бажардим» деб алоҳида уқтириш шарт эмас. Ушбу Низомда кўрсатилганидек, юкланган вазифанинг бажарилиши юзасидан ишни пухта ташкил этиш керак эди.

*«Бешинчидан, мен назорат тафтиш идорасида 14 йилдан бери ишлаб келаман. Ҳозиргача хизмат бурчимга, инсоний шаънимга доғ туширадиган иш қилмаганман. Шунинг учун «Тоифани ким беради?» мақоласини ҳақиқатга тўғри келмайдиган, шаъним ва қадр-қимматимга доғ туширадиган ҳолат деб ҳисоблайман».*

«Доғ туширадиган ҳолат...» Товба. Мақола муаллифи тафтишчини тажрибасизликда айбламаяпти, инсоний шаънига дахл қилмаяпти-ку ахир! Тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгаши ҳуқуқшуноси мактаб маъмуриятининг буйруғи тоифа комиссияси хулосаси асосида чиқарилганлигини ва ўқитувчиларга тўғри ҳақ тўланганлигини исботлаб берган. Мақола шу ҳақида.

*«Шунинг учун «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27-моддасига мувофиқ ушбу раддияни газетада эълон қилишингизни сўрайман. Акс ҳолда шаъним ва қадр-қимматимни суд орқали ҳимоялашга мажбур бўламан.»*

Эски Қонуннинг 27-моддасида шундай қоида бор эди. «Раддия» муаллифи янги қонун қабул қилинганлигидан бехабар бўлса керак. Тўғри, янги таҳрирдаги Қонуннинг 34-моддасида ушбу қоида мустаҳкамланган. Унга кўра, юридик ёки жисмоний шахс оммавий ахборот воситасида эълон қилинган, ҳақиқатга мос келмайдиган ҳамда ўзининг шаъни ва қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсини таҳқирловчи маълумотлар учун раддия беришни таҳририятдан талаб қилишга ҳақлидир.

Хўш, ҳақиқатга нима мос келмайди? Мақола муаллифи қайси сўзлар билан тафтишчининг шаъни, қадр-қиммати, ишчанлик обрўсини таҳқирлаган. Келинг, шу ўринда ушбу тушунчалар қонунларда қандай талқин қилинишини кузатайлик. ***Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 41-моддаси.*** Ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситиш... Мақола муаллифи ҳеч кимни ҳақорат қилмаяти.

***Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 100-моддаси***да фуқаро ўзининг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар юзасидан, башарти, бундай маълумотларни тарқатган шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, суд йўли билан раддия талаб қилишга ҳақли.

Башарти, фуқаронинг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар оммавий ахборот воситаларида тарқатилган бўлса, айни шу оммавий ахборот воситаларида раддия берилиши лозим. Башарти, бундай маълумотлар ташкилотдан олинган ҳужжатда учраса, бундай ҳужжат алмаштирилиши ёки чақириб олиниши керак. Бошқа ҳолларда раддия бериш тартиби суд томонидан белгиланади.

Фуқаро оммавий ахборот воситаларида унинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларини камситувчи маълумотлар эълон қилинганда у айни ўша оммавий ахборот воситалари орқали чиқиб, ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

***Олий суд Пленумининг 1992 йил 19 июндаги «Суд амалиётида фуқаро ва ташкилотларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоялаш ҳақидаги қонунларни қўллаш тўғрисида»ги қарори***да бу ҳақда батафсил тушунча берилган.

Юридик ёки жисмоний шахсларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини пастга урувчи маълумотларни оммавий ахборот воситаларида, хизмат таърифномаларида, кўпчилик олдида сўзлаганда, мансабдор шахслар номига ёзилган аризаларда ёки бошқа, шу жумладан, оғзаки бўлса ҳам бир неча шахсга ёхуд бир кишига хабар қилиш тушунилади.

Ушбу ҳужжатда бадном қилувчи маълумотлар деганда, айрим фуқаролар ёки жамоат фикрида амалдаги қонунларга ва ахлоқ қоидаларига риоя қилиш нуқтаи назаридан қараганда, шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини оёқ ости қилувчи, обрўни тўкувчи маълумотлар ҳисобланиши судларга тушунтирилган.

Ишдаги камчиликларни, жамоат ва иш жойларидаги, турмушдаги феъл-атворини танқид қилувчи, ҳақиқатга тўғри келадиган маълумотларга шахсни бадном қилувчи маълумотлар деб қараш мутлақо ноўриндир.

Биринчидан, бу маълумотлар шахснинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказмайди. Иккинчидан, бу маълумот ходимларнинг меҳнат ҳуқуқи ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қиладиган ташкилотдан олинган. У ноҳақ бўлса, ҳужжатини қайтариб олсин. Тафтишчининг мантиғи шунақа: Сертификат йўқ — демак, аттестациядан ўтишмаган — демак, тоифа берилмаган - тоифа олмаганларга ортиқча ҳақ тўланган. Касаба уюшмаси ҳуқуқшуноси эса, аслида ундай эмас, деяпти.

Учинчидан, ҳужжатлардан кўринишича, бу маълумотлар ҳақиқатга тўғри келади. Бинобарин, тафтишчи раддия беришни ҳар қандай шаклда талаб қилишга ҳақли эмас.

Бу бизнинг мулоҳаза. ***Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида» (янги таҳрири)ги Қонунининг 3-моддаси***га кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат органларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Шу билан биргаликда, ушбу моддада яна бир қоида бор: фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқларидан фойдаланишлари бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги керак.

Касаба уюшмасининг адолатпарварлигидан руҳланган журналист қўлига қалам олибди. Бунинг нимаси ёмон. Ўқинг. Қарши туманидаги 10-Давлат ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг директори Н. Тошев ва шу мактаб ўқитувчилари И. Очилов, О. Давронов, Д. Равшанов, Ш. Эшонқулова, Р. Одаева, Ш. Равшанов, Г. Оромова, Г. Чориева, З. Рустамова, А. Арслонова, И. Эшниёзова, Г. Орипова, Л. Тиллаева, Д. Зоҳированинг «...ўз ҳуқуқимизни ҳимоя қилишда амалий ёрдам беришингизни илтимос қиламиз» дея ёзган мурожаатларига Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан берилган жавобда шундай сатрлар бор: ***«...берилган малака тоифаларига асосланиб педагог ходимларга иш ҳақлари қонуний асосда тўлаб берилган», «...аттестация тартиби бузилган ҳолда ДТМ ўз ваколати доирасида аттестация натижаларини бекор қилиши мумкин...», «...МКнинг 164-моддасига кўра, меҳнат ҳақидан ушлаб қолиш, умумий қоидага кўра, ходимнинг ёзма розилиги билан, бундай розилик бўлмаган тақдирда эса, суднинг қарорига асосан меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин», «...Сизларнинг малака тоифангизни тушириш, тоифангизга кўра Сизларга тўланган устама ва иш ҳақларингизни қайтариб тўлаш тўғрисидаги кўрсатмаси (талаби) қонун талабларига зид ҳисобланади», «...педагог ходимларга тоифа берилганлик тўғрисидаги сертификатнинг ўз вақтида берилмаганлиги учун педагоглар ҳеч қачон жавобгар ҳисобланмайди. Бунинг учун ДТМ, аттестация комиссияси, юқори ташкилот ва муассаса раҳбарлари жавобгар ҳисобланади»***.

Шу ерда ўқитувчиларнинг миннатдорчилик хатидан парча келтирмасак, сўзимизни охиригача айтмаган бўламиз: «...biz 2010-yil dekabr, 2011-yil yanvar, fevral oylari uchun tekshirish vaqtida to'xtatib qo'yilgan 34143458 so'm, shuningdek, toifalarimiz saqlangan holda, noto'g'ri to'langan, deb hisoblangan 11917300 so'mlik ish haqlarimizni to'lig'icha oldik.

Biz buning uchun O'zbekiston ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Qashqadaryo viloyat kengashi raisi SH. Kubayev va kengash huquqshunosi N. Pardayevga o'z innatdorchiligimizni bildiramiz».

**Довуд МАДИЕВ,**
**ҳуқуқшунос-журналист**

***P.S: Ушбу мақола саҳифаланаётган пайтда Қарши Давлат 10-сонли ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби директори Н.Тошевдан билдириш хати олдик. Унда жумладан шундай маълумотлар келтирилган: «Биз 2010 йил декабр, 2011 йилнинг ўтган ойлари учун маошларимизни тоифамиз сақланган ҳолда олдик. Май ойида мактаб ўқитувчилари ДТМ томонидан навбатдаги аттестацияда қатнашиб, юқори тоифаларни эгаллащди. Тоифалар ҳақида буйруқлар бор. Сертификатлар ДТМ томонидан берилиши кутилмоқда».***



**Солиқ**

***«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига мувофиқ давлат ва назорат органларининг корхоналар молия хўжалик фаолиятига аралашувини тубдан қисқартириш, текширишларни ташкил қилиш тизимини янада такомиллаштириш, шу асосда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишини кучайтиришни таъминлаш мақсадида қуйидаги тартиблар ўрнатилди:***

# Тадбиркорлик субъектларига кафолатлар

— янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширишларидан ўтказилмайди (акция солиғига тортиладиган товарлар ишлаб чиқарувчи кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш, шунингдек, бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ текширишлар бундан мустасно);

— 2011 йилнинг 1 апрелидан то 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқланади (юридик шахсларни тугатиш чоғида, қўзғатилган жиноий ишлар доирасида, шунингдек, бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ҳамда ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ режадан ташқари текширишлар бундан мустасно);

— кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш муддатларини қонун ҳужжатларида уларни ўтказиш кўзда тутилган максимал муддатдан, яъни 30 календар кунидан ортиқ муддатга узайтирилишига йўл қўйилмайди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Бектемир туманида солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган 8 та кичик тадбиркорлик субъектлари 2011 йилги текширишлар режасидан чиқариб ташланди.

Тадбиркорлик субъектларининг молия хўжалик фаолиятини (солиқ тўловчи томонидан тақдим этиладиган молия ва солиқ ҳисоботини таҳлил этиш асосида) камерал назорат қилиш ҳамда дастлабки тарзда ўтказилган камерал назорат натижалари бўйича солиқ қонунчилиги бузилиши аниқланган ҳолларда текширишлар (тафтишлар) ташкил қилинмоқда.

**А.НАРЗИЕВ,**
**Бектемир тумани ДСИ**
**«Солиқ текширишлар»**
**бўлими бошлиғи**

# Сўраган эдингиз

**?** **Судда бир нафар фарзандим учун ишлаганимда маошимнинг тўртдан бири, ишламасам 90 минг сўм миқдорида алимент тўлашим айтилди. Бу талаб мамлакатимизнинг ҳамма жойида бир хилми ёки бошқачами?**

**Асрор МЕНГЛИЕВ, Ангрен шаҳри**



Ўзбекистон ҳудудида қонунлар бир хилда амал қилади. Суд қароридан норози тарафлар тегишли тартибда юқори суд босқичига шикоят қилиши мумкин. Шу муносабат билан Оила кодексида мустаҳкамланган баъзи қоидаларни келтириб ўтамиз:

Ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт.

Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилади.

Агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун — тўртдан бир қисми, икки бола учун — учдан бир қисми, уч ва ундан ортиқ бола учун — ярмиси миқдорида ундирилади. Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин.

Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Ота-онадан болаларга ундириладиган алимент миқдори алимент тўловчининг ойлик иш ҳақига ва (ёки) бошқа даромадига нисбатан улушлар ҳисобида ёки пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши мумкин.

Алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанинг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромади доимо бир хилда бўлмай, ўзгариб турса ёхуд даромадининг бир қисмини натура тарзида оладиган бўлса, шунингдек, даромаддан улуш тарзида алимент ундириш имконияти бўлмаса ёинки ота-она расман белгиланган иш ҳақи ёки даромадга эга бўлмаса, вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун тўланиши лозим бўлган алимент миқдори ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши мумкин.

Алимент миқдори суд тартибида белгиланганидан кейин тарафлардан бирининг моддий ёки оилавий аҳволи ўзгарса, суд улардан ҳар бирининг талабига кўра алиментнинг белгиланган миқдорини ўзгартиришга ёки алимент тўлаши шарт бўлган шахсни алимент тўлашдан озод қилишга ҳақли. Алимент миқдорини ўзгартиришда ёки уни тўлашдан озод қилишда суд тарафларнинг эътиборга лойиқ бошқа манфаатларини ҳисобга олишга ҳақли.

**Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими**

# Омон бўлинг, МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2011-yil 16-iyul № 86 (2967)



# Ватан тафти

(Боши 1-бетда)

— Минг шукурким, биз саховатли заминда истиқомат қиламиз. Боболаримиз таъбири билан айтганда, еримизга чўп суқсанг ҳам кўкаради. Демак, шундай имкониятдан оқилона фойдаланиш ҳар биримиз учун фарзу қарз саналади, — деган эди бир суҳбатда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Янгиариқ туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Г.Атажанова. — Кекса боғбонлардан «Бирни кессанг, ўнни эк», «Меҳр билан қадалган таёқ бир кун берар меваю япроқ» каби ибратли сўзларни эшитамиз. Бу сўзлар келажак авлодга ота маконни обод ва гўзал ҳолда қолдиришга ишора. Яшнаб турган манзарали дарахтнинг гўзаллигидан дилингиз, соя-салқинидан танангиз яйрайди, мусаффо ҳавосидан соғлиғингиз яхшиланади, умрингиз узаяди. Мевали дарахтнинг ширин-шакар мевалари танангизга куч-қувват, руҳингизга осойишталик бағишлайди. Қийғос очилиб турган гуллар кимнинг дилига шодлик улашмайди дейсиз.

Дарҳақиқат, меваларимизнинг ҳаммаси танга дармон, жонга роҳат. Шунинг учун ҳам уларга дастурхонимиз тўридан жой берамиз. Аслида, улар сабаб меҳмоннавоз халқимизнинг дастурхони мудом тўкин. Бу тўкинлик бардавом бўлсин, дея касаба уюшмалари элдошларимизга мустақилликнинг 20 йиллиги муносабати билан 20 тупдан мевали ва манзарали дарахт, гул кўчатлари экиш ташаббуси билан чиқди. Яратувчанликка иштиёқ қонида кўпириб турган юртдошларимиз бу ташаббусни жон-жон деб қувватлади. Энди боғларимизнинг сарҳади янада кенгайди. Улардан болажонларимиз, невараю чевараларимиз ҳам баҳраманд бўлиб, жону тани соғ, илиги тўқ бўлиб камолга етиши тайин.

***

— Ҳозир сенга иссиққина нон ёпиб бераман, — уйга боришимиз билан онажоним хамир қоришга киришиб кетади. «Уринманг», деганимга қарамайди. Келин «мен қиламан», деса унамайди.

Онам ёпган нonнинг таъми бошқача, ҳиди ўзгача. Уни оғзимга соларканман, шукроналик қоплайди дилимни.

Бу ноннинг уни ўзимизнинг томорқада етиштирилган буғдойдан.

Фақат бизнинг хонадонда эмас, аксарият қишлоқ оилалари томорқада етиштирилган буғдойдан фойдаланишади. Дастурхоннинг бош неъмати ўзингда етиштирилганига нима етсин.

— Биз ризқи баланд халқмиз, — дейди АСМ ходимлари Қорақалпоғистон Республика кенгаши раиси Узоқберган Саиджонов. — Қайси халқнинг дастурхони бизникидай тўкин? Қай юртда нон бу қадар улуғланади? Қорақалпоқ деҳқонлари ҳар йили ғалладан мўл ҳосил тўплайди. Шунга яраша, бозорларимизда нон ва нон маҳсулотларининг нархи анча арзон.

— Яқинда курсдош дугоналаримдан бири номзодлик диссертацияси ҳимоя қилди, — дея ҳикоя қилди Урганч санъат коллежи ўқитувчиси Қурбонбика Ўрозметова. — Шу муносабат билан яқинларига дастурхон ёзди. Мени ҳам таклиф қилди. Дугонамга нима ҳадя қилсам экан дея узоқ ўйладим. Охири, бир тандир нон ёпиб боришга қарор қилдим. Водийлик дўстларим Хоразм нонини мақтаб-мақтаб тановул қилишди.

Дарҳақиқат, вилоятларимиз нонлари бир-биридан фарқ қилади. Буни яқинда Тошкентда ўтказилган нон фестивали ҳам исботлади.

Халқимизнинг нонга ҳурмати мақолу маталлар, урф-одатларда ҳам акс этади. Йўлга чиқаётганда оналаримиз «йўлдош бўлади» дея қўлимизга нон тутқазиб юборишади. Узоқ сафарга кетаётганларга нон тишлатиш одати ҳозир ҳам бор. Меҳмонга борганимизда, албатта, дастурхонимизга икки дона нон солишни канда қилмаймиз. Қорақалпоғистонга йўлингиз тушса, нон ёпаётган аёллар ёнидан ўтиб қолсангиз, «нон еб кетинг» дея илтифот қилишади. Булар бағрибутунликдан, нияти улуғликдан, қалб кенглигидан нишона.

Бугунги тинч-осуда турмушимиз, тўкин ҳаётимиз Ўзбекистон ризқ, барака юрти эканлигининг ёрқин исботи эмасми? Янги узилган нондан таралаётган ҳид фақат ўзбек халқигагина хос бўлган қайноқ қалбнинг тафтини акс эттирмайдими?!

***

Шаррос ёмғир қуйиб берди. Ёмғирдан кейинги ҳаводан симириб-симириб нафас олишни хушламайдиган инсон камдан-кам. Заминдан таралаётган ҳиднинг бетакрорлигини айтмайсизми.

Қишлоқ одамларининг ҳаммаси ер ҳидини яхши кўришади. Пойтахтда яшайдиган дугоналаримдан бири: «Қишлоққа борганимда, ҳовлимизга киришимиз билан қўлимга бир ҳовуч тупроқ олиб, тўйиб-тўйиб ҳидлайман», деганида жилмайиб қўя қолгандим.

«Ер — хазина» деган иборада улкан ҳикмат, ҳақиқат мужассам. Биз она заминни, аввало, ризқ манбаи сифатида улуғлаймиз. Истиқлол йилларида ерга муносабат ўзгарди. Муқаддас тупроқ ниҳоят «химикатлар ўчоғи»га айланишдан қутулди. Энди у ўзининг ҳақиқий эгаси — деҳқон қўлида. «Авесто» китобида: «Экин экилмасдан қолган ер қаттиқ ранж чекади. Ерни хор қилган ўзи хор бўлади. Эй одам! Сен ерни қанчалик азиз тутсанг, у сени шунчалик мўътабар қилади», дейилган. Бугунги давр, қишлоқ одамларининг фаровон турмуши, шаҳарликларникидан қолишмайдиган имкониятлар бу фикрнинг ростлигини яна бир карра исботлади.

Она замин, ота макон... Бу таърифлар бежиз минг йиллардан буён қўлланиб келинмайди. Бу Ватаннинг улуғлигини ифодалайди. Ватанни англатувчи шу тупроқ биз учун қадрли, муқаддас, мўътабар. Тириклигимизни таъминлайдиган шу она еримиз.

***

— Ке, қовун кесиб бераман, ўзимизнинг полиздан, — деди отам.

— Ў, гурвак экдингизми?

— Ҳа. Ўзиям фақат бизнинг полизда пишади бунақа мазали гурваклар.

— Шуни айтинг.

— Оҳ, оҳ, оҳ, исини қара бунинг. Етти иқлимга машҳур Хоразм қовунларини мақтаган сайин мақтагинг келади.

Минг дардга дармон улар. Очни тўқ қилади, чанқаганнинг чанқоғини босади, чарчаганнинг танига қувват беради.

Урганчда ўтказилган қовун сайлида иштирок этиб, қовунларимизнинг тури кўплигини кўрдим. Улар ҳам кўриниши, ҳам таъми билан бир-биридан фарқ қилади.

Бир неча йил аввал экологик муаммолар қовунларимизга ҳам таъсирини ўтказди. «Хоразм қовунлари йўқолиб кетадими?» деган савол барчани безовта қилди. Бу савол атрофида олимларимиз ҳам бош қотиришди. Республика ҳукумати уларга раҳнамолик қилди. Ниҳоят, Хоразм қовунлари сақлаб қолинди. Улар яна бозорларимизни тўлдириб, элдошларимизга дармон бўлишда давом этмоқда.

Хоразмликлар қовун кесаётганда ер ҳақига, уни етиштирган деҳқон ҳақига дуо қилишади. Бу қовунни улуғ неъмат ҳисоблаш туфайли.

Дунёда нимаики тотли ёки ноёб нарса борки, бизнинг заминимизда, шу улуғ Ватанимизда етиштирилади. Демак, уни қадрлашга, эъзозлашга, авлодларга етказишга бурчлимиз.

***

— Зайнаб опа эгизакларини уйлантиряпти!

— Мунисахонлар янги ҳовлига кўчиб ўтишди.

— Ражаббой аканинг ўғли олим бўлибди.

— Самандар фермер янги машина олибди.

— Анави, Сарвар бор-ку, эски қўшнимиз, жаҳон чемпиони бўлибди!

— Ҳамид акалар ош қиляпти, ўтинглар!

— Карима момо чевара кўрибди!

Адоғи йўқ бу хушхабарларнинг ҳар биридан меҳрнинг ҳидини туяман!

Бундай ҳид оламда йўқ!

Буларнинг бариси Ватан иси, она-юрт тафти эмасми, ахир?!

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА.**
**Назира БОЙМУРОДОВА олган суратлар**

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, «AGROBANK» ОАТБ Бошқарувининг 06.06.2011 йилдаги 41/3-сонли қарорига асосан, «AGROBANK» ОАТБ Зафар филиалига тегишли, Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Зафар қўрғони, Гагарин кўчаси 15-уй манзилида сақланаётган «Матиз» русумли, давлат рақами 10-660 НАА бўлган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 758 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2011 йил 17 август куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.**

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситаси 2011 йил 17 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситасининг такрорий аукцион савдоси 2011 йил 22 ва 24 август кунлари соат 10:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850., Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамиш 1 кўчаси, 1-«А»уй.

**Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz. Лицензия: DB 001 № 000004.**

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси «Дававиаиназорат»нинг 14.06.2011 йилдаги 76-сонли буйруғига асосан, «Дававианазорат»га тегишли, Тошкент шаҳар Миробод тумани Нукус кўчаси, 73-«Б» уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «Нексия Sonc» русумли давлат рақами 10АН009 бўлган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 600 000 сўм.
2. «ГАЗ-3102» русумли давлат рақами 10АR957 бўлган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 100 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2011 йил 18 август куни соат 10:00да бўлиб ўтади.**

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситалари 2011 йил 18 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, ушбу автотранспорт воситасининг такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 22 ва 25 август кунлари соат 10:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзилимиз:

**Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй.**
**Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.**

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар Вазирлиги «ЖАХОН» Ахборот агентлигининг 01.04.2011 йилдаги 26ж-сонли буйруғига асосан, агентликкга тегишли, Тошкент шаҳар Ўзбекистон кўчаси, 9-уй манзилида сақланаётган, «Эсперо» русумли давлат рақами 10АХ335 бўлган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 7 078 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2011 йил 16 август куни соат 10:00да бўлиб ўтади.**

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситаси 2011 йил 16 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, ушбу автотранспорт воситасининг такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 23 ва 29 август кунлари соат 10:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзилимиз:

**Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй.**
**Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.**

## Бахтиёр болалар маскани



**Нукус шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли «Шодлик» мактабгача таълим муассасасида 300 дан зиёд ўғил-қиз тарбияланмоқда.**

Болажонларнинг маънан етук, жисмонан соғлом вояга етиши учун ушбу масканда барча шароит яратилган. Хориж тиллари, рақс, экология, рассомчилик, шашка каби тўгараклар ташкил этилган бўлиб, ўғил-қизларда соғлом турмуш кўникмаларини шакллантиришда тарбиячи, психолог ва ҳамшираларнинг хизмати катта бўлмоқда.



Суратларда: «Шодлик» мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари.
Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган суратлар

# Самарали ҳамкорлик

(Боши 2-бетда)

Жойлардаги меҳнат бозори инфратузилмалари, бандликка кўмаклашувчи марказлар, бўш иш ўринларига эга бўлган корхона, ташкилот ва муассасалар билан доимий алоқа ўрнатиб, ҳамкорлик қилинмоқда. Ҳар ўқув йили сўнгида анъанавий тарзда битирувчи талабалар учун «Бўш иш ўринлари» ярмаркаси ўтказилади.

— Жорий йилнинг 26 майида ўтказилган ана шундай меҳнат ярмаркасида вилоятимиздаги 68 та меҳнат жамоаси 238 та бўш иш ўрни билан қатнашди, — дейди институт проректори Бикдурди Матниёзов. — Тадбир якунига кўра, битирувчи талабалардан 2002 нафари ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашишга муваффақ бўлди. Давлат гранти бўйича битираётган 136 нафар ёш муҳандис-механик, муҳандис-қурувчи, муҳандис-технолог ва муҳандис-педагог тегишли ташкилот, корхона, таълим муассасалари билан тузилган шартномаларга биноан доимий иш жойига эга бўлди.

Касбий педагогик таълим, менежмент, энергетик, автотранспорт, кимёвий технология, енгил саноат маҳсулотлари, бино ва қурилиш-муҳандислик, фермер хўжалигини бошқариш, қишлоқ хўжалигини озиқ-овқат технологияси бўлимларини контракт-тўлов-шартнома асосида тугаллаган 521 нафар ёш мутахассис ҳам ишли бўлди.

Юзаки қараганда бу оддий ҳолга ўхшайди. Аслида эса бунинг замирида инсоний фазилатлардан бири — саховатнинг ўрни беқиёсдир.

— Халқимиз азал-азалдан саховатли, хайр-эҳсонли, — дейди институт маркетинг бўлими бошлиғи, доцент Хайрулла Мелиев. — Бу борада ҳазрат Навоийнинг тарихдан бизга маълум ва машҳур бўлган саховатпешалиги йўлчи юлдуз. Бу муҳтарам зот муҳтож кишиларга 12 минг пўстин ва кийим-кечак улашгани, ўз ҳисобидан ариқ қаздириб, Ҳирот дарёсидан Машҳад шаҳрига сув келтиргани бизга улуғ намуна. Ота-боболаримиздан қолган миллий қадрият-саховатпешаликка бугун ҳам мисоллар кўп.

Қурилиш факултетида таҳсил олаётган Зоҳиджон Абдуназаров саховатли инсон. Асли ғаллаороллик бу йигит ўқиш билан бирга тадбиркор ҳам. У талаба Шероз Холбўтаевнинг оилавий шароитини билиб, саховат кўрсатди ва унинг контракт-шартнома пулини тўлаб берди. Қурилиш факултети талабаси йиллик тўлов-шартнома пули тўлиғича ЎзКУФ томонидан, талабалар Ж.Холбеков, Г.Юсупов, Н.Эшқулованинг контракт-шартнома пуллари «Марказгазтаъминот» трансгаз ҳисобидан, З.Қодиров, М.Назарова, А.Тўрақулов, Д.Музаффаров, Р.Раҳимовнинг контракт-тўловлари эса қисман вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси томонидаи тўланди. Саноат технологияси факултети талабаси Б.Абдуалимов ҳамда бошқарув факултети талабаси М.Султонов тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашининг 65 минг сўмлик устама стипендиясини олишаяпти.

Ҳали айтиб ўтганимиздек, сўнгги йилларда корхона, ташкилот, муассаса ҳамда хусусий тадбиркорлар «Ўзимиз ўқитдикми, ўзимиз иш билан таъминлаймиз!» шиорига асосан ўқишни тугаллаётган ёшларни ишга олаётгани таҳсинга лойиқ.

Шу жумладан, қатор йиллардан буён «Жиззахпластмасса» ОАЖ, «Жиззахэлектртармоқлари», «Жиззах аккумулятор» корхоналари, «Ишонч» кредит уюшмаси, қатор хусусий фирма ҳамда фермер хўжаликлари ўз маблағлари ҳисобидан талабаларни контракт-тўлов шартномалари билан ўқитиб, муқим иш билан таъминлаб келаяпти.

Жорий йилда олийгоҳ битирувчилари Б.Холиқулов, Т.Мелиев «Ишонч» кредит уюшмасида, А.Норматов, У.Шокиров вилоят электр тармоқларида, М.Жўраев Навоий тоғ-кон металлургия комбинатида, Б.Азимов, Ф.Соатқулов, Ф.Тоғаева Ғаллаорол туманидаги «Отабек-марварид», Фориш туманидаги «Янгиланиш даври», Жиззах туманидаги «Норқул ота» фермер хўжаликларида ўз фаолиятларини бошладилар.

**Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири**

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин**

Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши жамоаси Хоразм вилоят Давлат солиқ бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳайитбой Ўриновга волидаи муҳтарамаси

**СОЛИЯЖОН** аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Insonga naf keltirish – oliy baxt

**Muassis:**
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**
Abduxoliq Abdurazzoqov

**Tahrir hay’ati:**
Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o‘rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog‘indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To‘lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas’ul kotib), Anvar YUNUSOV

**Bo‘limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e’lonlar 256-87-73

**Viloyatdagi muxbirlar:**
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99897 491 79 27;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg‘ona + 99890 232 93 19;
Qoraqalpog‘iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko‘chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com

**Nashr ko‘rsatkichi:** 133

Navbatchi muharrir: A. Abdullayev
Navbatchi: A. Arslonov
Musahhih: S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H. Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko‘chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

ⓗ - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Босишга топшириш вақти - 02.35
Топширилди - 03.30

Буюртма Г — 711

13652 nusxada bosildi

2 3 4 5